Ключевые слова: *Ахмед Йассави, Имам-и Аъзам, рассказ, премудрость, рукопись, произведение, стамбульское издание, суфизм.*

N. Jabborov

Analysis of manuscripts of poem “Qissa-i Imam-i A`zam”

Only one work "Diwan-i Hikmat" (“The Book of Wisdoms") by Kwadja Ahmad Yassawi is mentioned in a number of studies and web sites. This article is devoted to study another, attributed to him, “Qissa-i Imam-i A`zam” ( “Story about Imam A`zam”).

Key words: *Ahmad Yassawi, Imam-i A`zam, story, wisdom, manuscript, work, Istanbul edition, sufism.*

О. Бўриев

Энг қадимги форсий қўлёзма

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 5202 рақамли қўлёзма мавжуд. Ҳажми 324 варақ. Қўлёзманинг ўлчами 21х17 см. Матн бошланишидан олдинги варағи (форзац)да китоб хожа Муҳаммад Порсонинг (1345–1419 йй.) Бухоро шаҳрининг Кўйи Деҳқон маҳалласидаги Дор ал-фуқаро китобхоналарига вақф қилган китоблари жумласидан эканлиги ёзилган. Демак, китоб хожа Муҳаммад Порсо яшаган даврда мавжуд бўлган. Муқовада кўрсатган 1190/1776–1777 йил санаси эса, муқованинг ўзигагина тегишли ва китоб XVIII асрда таъмирлангалигини билдиради.

Қўлёзманинг 1*а* варағида, асосий матн хатидан фарқ қилувчи хат билан ёзилган қисқа маълумотномада, ушбу қўлёзма яхлит асар сифатида олиб қаралган ва “Мажмуа” деб аталган.

“Мажмуа” нинг муаллифи Абу Муҳсин Марвазий дейилган ҳамда бу шахс Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Куфийнинг издоши (*тилмиз*) деб эслатилган. Қисқача қўлёзмада жойлашган асарларнинг мазмуни ҳақида. Биз бевосита қўлёзма матни билан танишиб чиқдик. Ушбу “Мажмуа” таркиб жиҳатдан учта китобдан ташкил топган ва улар ҳажм жиҳатдан қуйидагича: биринчи китоб 125 варақ (1*б*– 125*б* варақлар); иккинчи китоб 82 варақ (127*а*–210*б* варақлар); учинчи китоб 113 варақ (211*а*–324*б* варақлар) дан иборат [2].

Биринчи китобда (1*б*–125*б* варақлар) учта асар берилган. Унда муаллиф исми кўрсатилмаган, эҳтимол мазкур мажмуани тузган Абу Муҳсин Марвазийнинг ўз қаламига мансубдир.

Биринчи асар (1*б*–68б варақлар) – қўлёзманинг 1*б* варағида унинг номи "Баён кардани эътиқоди аҳли суннат ва жамоат дар тавҳид ва усули дин" шаклида берилган. Бу асар мазмун жиҳатдан калом илми, яъни ақоидга оид бўлиб, унда тавҳид ва ислом дини асослари масалалари ҳақида сўз боради. Ўн бобдан иборат дейилган, бироқ мавжуд матн фақат тўрт бобни ўз ичига олади холос.

Биринчи боб – тавҳид илми, анча кенг ёзилган, ўн фаслдан иборат; уларда аҳли суннат ва жамоатнинг худони таниш, муқаддас китоблар, эътиқод, қиёмат куни, яхшилик ва ёмонлик, имон ва ислом, фароиз, эҳсон масалаларидаги қарашлари ёритилган.

Иккинчи боб – одамларнинг эътиқод масаласида тойифаларга бўлиниши, аҳли қибла кишилари ўртасидаги ихтилофлар.

Учинчи боб – аҳли суннат ва жамоат наздида турли масалаларда ҳужжат келтиришга доир.

Тўртинчи боб – каломнинг баъзи масалалари.

Шу билан биринчи асар тугайди ва қолган олтита боб ёритилмаган.

Иккинчи асар (68*б*–99*а* варақлар) – "Китоб усул ал-фиқҳ" деб аталади ва унда фиқҳ масалалари хусусида сўз боради. Асар бобларга ва боблар ўз навбатида фаслларга бўлинган. Матн фиққий масалалар шаклида тузилган ва ҳар бир масалада аниқ бир муаммо баён қилинган. Фиққий масалаларда Қуръон ва ҳадислардан ҳужжат келтириш хусусида сўз боради. Жами бешта боб ва боблар фасллардан иборат. Бироқ асар чала, ундаги боблар ва фаслларда терма маълумотлар берилган.

Учинчи асар (99а–125б варақлар) – "Фи-л-мунозара (баҳслашув) ва-л-жадал (тортишув)", (бошқача аталишлари: "Дар шароити одоби мунозара"–99а варақ ёки "Адаби жадал ва илми мунозара" – 125б варақ). Асар боблар ва фасллардан таркиб топган. Жами тўрт боб. Бу асар ҳам чала, ундаги боблар тугалланмаган, терма маълумотлар йиғиндиси шаклида. Мазмун жиҳатдан мантиқ масалаларини ўз ичига олади. Ўша даврда исломда мавжуд баҳслар ва тортишувлар, уларни ҳал қилиш йўллари хусусида сўз боради.

Асосий матн *"Дар ин миқдор кифоят аст"* (Ушбу ёзилганлар етарлидир) деган жумла билан тугайди.

Сўнгра калафон берилган (125*б* варақ) Унда ҳижрий-қамарий ҳисобда китобат тугалланган сана (яъни асар кўчирилган вақт) кўрсатилган: *" явм ал-жумъа, ас-соний ашара зи-л-қаъда, сана сабъийна (ва) салис миа"* – 12-зу-л-қаъда 370 йил (19 май 981 йил) ва котибнинг исми берилган: Муҳаммад

Абдулхолиқ. Бу мазкур “Мажмуа”да қайд этилган ягона сана ҳисобланади, зеро ундан кейинги иккита асар матнлари охирига етмасдан узилиб қолган. Таъкидлаш жоизки, котиб юқоридаги учала асарни яхлит бир китоб деб билади ва унинг номини “Китоб ат-тавҳид ва усул ал-фиқҳ ва адаб ал-жадал” шаклида келтирган.

“Мажмуа”даги иккинчи китоб (127а–210б варақлар) алоҳида битта асардан иборат; бошланишида (127а варақ) асар номи ва муаллиф исми берилган “Мажолис” аш-шайх ал-фақиҳ ал-олим ал-Ҳасан ибн Яҳё ал-Вардонзий. Котиб ушбу асарни устози Али ибн Муҳаммад ал-Баввоний қўлидаги китобдан кўчирганини таъкидлаб ёзади: “Насахту мин нусхати устозий ал-фақиҳ Али ибн Муҳаммад ал-Баввоний”.

Муаллиф исмидаги “Вардонзий”нисбаси унинг келиб чиқиши Бухородан эканлигини англатади. Бу жой номи манбаларда Вардонзе, Варзонзи, Вардона каби шаклларда ёзилган. Ибн Хурдодбеҳ “Китоб ал-масолик ва-л-мамолик” асарида уни “Вардана” деб атаган ва Бухоро атрофидаги шаҳарлардан бири сифатида эслатган. Археологик тадқиқотларда Бухоро вилоятидаги қадимги қўрғон дейилган ва унинг харобалари ҳозирги Шофиркон туманида “Қўрғони Варданзи” номи билан сақлангани қайд этилган.

Асар матни бевосита 127б варақдан бошланади, беш боб ва фасллардан иборат. Бироқ улар тўла эмас, материал терма маълумотлар шаклида. Мазкур асарда исломдаги турли масалалар баён қилинган ва ҳар бир масала “Мажлис” деган сўз билан бошланади. Уларда Аллоҳ нинг ягоналиги, намоз, мазҳаблардаги ихтилофлар, истиғфор айтмоқ, инс-жинлар ҳақида, касб билан шуғулланиш ва унинг зарурлиги, исломда фойдали ва тақиқланган ҳолатлар ҳақида ёзилган.

Китоб чала, матн охирига етмасдан узилган.

“Мажмуа”даги учинчи китоб (211а–324б варақлар) ҳам алоҳида битта асардан иборат ва унинг номи қўлёзманинг бошланишидаги маълумотномада “Тафсир мин асмоиллоҳи таоло” (“Аллоҳ исмларининг шарҳи”) шаклида берилган. Бу китобда дастлаб, Аллоҳ нинг 99 та исми рўйхат тарзида келтирилган. Сўнгра мазкур исмларга шарҳлар ёзилган. Китоб чала, матн охирига етмасдан узилган ва *“Бар халқ пушида бадон сифат”* , деган жумла билан тугайди.

Қўлёзманинг қадимийлиги хусусида. Аввало қадимий форсий қўлёзмалар ҳақида қисқа маълумот бермоқчимиз. О.Ф.Акимушкин форсий қўлёзмалар тарихи ҳақида эълон қилган мақоласида, Эрон олими А.Мунзавий маълумотига таяниб, бизнинг давримизгача етиб келган форсий қўлёзмалардан энг қадимгиларининг умумий сони ўн иккита эканлигини айтган. Улардан тўрттаси тиббиёт, иккитаси астрономия, иккитаси лексикография, биттаси

математика, иккитаси Қуръон илми ва биттаси тасаввуфга оид асарлардан иборат [1: 330-406].

Шундан учта қўлёзманинг кўчирилган санаси қайд этилган ва араб алифбосида ёзилган форсий ёзма мерос учун алоҳида аҳамият касб этади.

Биринчиси – Абу Мансур Муваффақ ал-Ҳаравий “Китоб ал-абнийя ан ҳақоиқ ал-адвия” (“Фармокология ҳақиқатлари асослари китоби” – “Книга основ по истинам фармокологии”) асарининг Али ибн Аҳмад ал-Асадий ат-Тусий томонидан 447 йил шаввол /1056 йил январда кўчирилган нусхаси саналади. Унинг иккинчи номи “Равзат ал-унс ва манфаат ан-нафс», деб берилган. Қўлёзма ҳозирги вақтда Австрия миллий кутубхонасида сақланади. Асар дастлаб 1961 йили Эронда мавжуд қўлёзма ўлчамида фотофаксимил шаклида чоп этилди. Ҳозирги вақтда асарнинг форсча нашри ва инглиз тилига таржимаси ҳам мавжуд.

Қўлёзманинг қадимийлигини ҳисобга олиб, унга бағишланган қатор тадқиқотлар (1830, 1859, 1893, 1963 йиллар) чоп этилди. Фанда бу ҳозирча санаси кўрсатилган энг қадимий форсий қўлёзма деб қабул қилинган.

О.Ф.Акимушкиннинг ёзишича, қўлёзманинг хат услуби ўзига хос бўлиб, қийшиқ чизиқли курсив хат услубининг оммалаша бошлаган даврига тўғри келади ва XI асрда бу хат услуби кенг муомалада бўлган, унда кўплаб Қуръон нусхалари кўчирилган.

Кўчирилган санаси кўрсатилган иккинчи қадимий форсий асар – бухоролик олим Мустамлий (ваф. 434/1042–1043 й.) “Нур ал-муридин ва фазихат ал-муддаин” (“Свет для последователей и позор для притязающих” – “Муридлар учун нур ва даъво қилувчилар учун шармандалик”) номли шарҳидир. Ушбу асарнинг бир қисми 473 йил 24-шаввол (1081 йил 7-апрелда Мовароуннаҳрда кўчирилган ва бизгача етиб келган. У ҳозирда Карочи шаҳридаги Покистон Миллий музейида сақланади.

Мазкур асар бошқа бир бухоролик олим Абу Бакр Муҳаммад ал-Калободийнинг (ваф. 380/990) тасаввуфга оид “Китоб ат-таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” – “Суфийлар мазҳабига оид тушунтиришлар китоби”) номли асарининг иккинчи жилд ва учинчи жилд бош қисмларига ёзилган шарҳдан иборат.

Кўчирилган сана қайд этилган учинчи қадимий форсий асар – Сомонийлар даврида бухорода ёзилган асар бўлиб, унинг муаллифи бухоролик табиб Абу Бакр Рабиъ ибн Аҳмад Аҳавайний ал-Бухорийдир. Асар X аср иккинчи ярмида ёзилган ва “Китоб ал-ҳидоят ал-мутааллимин фи-т-тиб”– “Тибдан таълим олувчилар учун қўлланма”) деб аталади ва унинг етиб келган учта нусхасининг биттаси 478 йил рабиъ ал-аввал ойи (1085 йил июнь–июль ойлари)да кўчирилган.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги энга қадимги қўлёзма 579 ашё рақамда сақланаётган Қуръон саналади ва унинг кўчирилган вақти қайд этилмаган, тахминан IX аср деб қабул қиинган.

Мазкур фонддаги кўчирилган санаси қайд этилган энг қадимги қўлёзма эса Абулқосим ибн Саллом ал-Ҳаравийнинг (ваф. 223/837 й.) араб тилида ёзилган "Ғариб ал-ҳадис" асарининг хаттот Али ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан томонидан 344 йил рабиуссоний ойи (955 йил июль ойи) да кўчирилган нусхасидир. У мазкур фондда 3101 ашё рақамда сақланади. Қўлёзма матни куфий ва насх хатлари қоришуви услубида ёзилган.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 5202 рақамдаги қўлёзманинг қадимийлигини тасдиқловчи бир қанча белгилар бор:

1. Қўлёзмада унинг қадимийлигини тасдиқловчи сана бор ва у матннинг 125*б* варағида, яъни ушбу қўлёзмадан жой олган "Фи-л-мунозара ва-л-жадал"номли асарнинг охирида қайд этилган: 12-зу-л-қаъда 370 йил (19 май 981 йил) ва котибнинг исми берилган: Муҳаммад Абдулхолиқ. Ушбу сана мазкур қўлёзманинг ҳозирча фанга маълум юқорида қайд этилган дастлабки қадимги форсий қўлёзмадан 75 йил илгари кўчирилганини англатади;

2. Қўлёзманинг муқоваси. Муқоваси эскирган қалин кулранг чармдан тайёрланган, устига саҳҳофнинг исми ва сана нақшланган: "Амали Сайид Муҳаммад Амин ибн Ҳожихўжа, 1190". Милодий ҳисобда муқова тайёрланган вақт 1776–1777 йилга тўғри келади.

Ҳозирда мавжуд муқова анча кейинги даврга тегишли ва қадимги муқова устига тортилган. Демак дастлабки муқова асрлар давомида эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган ва китобни қайта муқовалашга эҳтиёж пайдо бўлган.

3. Қўлёзманинг қоғози. Қўлёзма матни ёзилган қоғознинг ўзига хос қалинлиги ва вақт таъсирида эскириб кетгани, уни асрлар бағридан бизгача етиб келган самарқанд қоғози дейишга асос бўла олади.

4. Хат услуби қадимги, куфий хатидан насх хатига ўтиш даврига тўғри келади. Чунки матнда куфий ва насх хатлари элементлари қоришуви кузатилади;

5. Матнда ҳарфлар усти ёки остига қўйилиши лозим бўлган диакратик нуқталар кам ва бу ҳолат ҳам унинг қадимийлигини тасдиқлайдиган белги саналади.

6. Матн ёзилган сиёҳ ҳам қадимги;

7. Матнда форс тили таркибида арабий сўзлар жуда кам. Айнан қадимги форсий матнлар шу услубда ёзилган;

8. Қўлёзмада мазмун жиҳатдан X асрда Мовароуннаҳрда ислом дини ҳолати билан боғлиқ воқеликлар (ақидавий масалалар, фиқҳий мунозаралар ва ҳ.к.) акс этган.

Юқорида келтирилган маълумотлар ва таҳлил ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 5202 ашё рақамдаги қўлёзмани манбалар ичидаги энг қадимги форсий қўлёзма дейиш учун асос бўла олади.

Фодаланилган адабиётлар

1. Акимушкин О.Ф. Персидская рукописная книга /Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки. Книга первая. Москва,1987.
2. Абу Муҳсин Марвазий. Мажмуа. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 5202.

О. Бўриев

Энг қадимги форсий қўлёзма

Ушбу мақолада ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган битта қўлёзманинг тавсифи берилган бўлиб, унинг кўчирилган вақти ва қадимийлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар. *Шарқ қўлёзмалари, форсий қўлёзма асарлар, қоғоз, хат услуби, хаттот, муаллиф, асар мазмуни.*

А. Буриев

Древнейшая персидская рукопись

Данная статья включает описание одной рукописи из фонда Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз на предмет определения времени ее переписки и древности.

Ключевые слова. *Восточные рукописи, персидская рукописная книга, бумага, почерк, переписчик, автор, содержание.*

A. Buriev

Ancient Persian manuscript

The following article includes a description of one particular manuscript from the fund of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences for the purpose of determining its time of correspondence and antiquity

Key words. *Oriental manuscripts, Persian manuscript book, paper, handwriting, copyist, author, content.*

М. Хамидова

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон меъморий ёдгорликларининг ўрганилиши (архив ҳужжатлари асосида)

Ўзбекистоннинг бебаҳо тарихий-маданий мероси ҳисобланган меъморий ёдгорликларни ўрганиш турли даврларда тарихчи, санъатшунос ва архитектура соҳаси мутахассис олимлари эътибори марказидаги қизиқарли мавзулардан бири бўлган. Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий меъморчилиги хусусида нафақат маҳаллий муаллифлар тадқиқотларида, балки чет эллик олимларнинг илмий асарларида, элчи ва сайёҳларининг эсдаликларида ҳам қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Хусусан, XIX асрнинг биринчи ярмида Россия ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга уюштирилган экспедицияларнинг асосий қисми Бухоро ва Хива хонликларини ҳар томонлама тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур экспедицияларда тўпланган маълумотлар натижасида тайёрланган ҳисоботлар, эсдаликлар ва илмий асарларнинг деярли барчасида хонликларнинг табиий-географик ўрни, улардаги шаҳар ва қишлоқлар топографияси, алоҳида қўрғон ва қалъалар, экспедиция аъзолари йўлида учраган археологик ва архитектура ёдгорликлари тавсифи келтириб ўтилган.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилгандан сўнг, марказий ҳукумат томонидан турли соҳа мутахассис олимлари ўлкани чуқур тадқиқ этиш мақсадида янада кенг жалб этилган. Шундан бошлаб, Туркистонда ўлкашунослик ҳаракатлари ташкилий жиҳатдан ҳам ўз ишини кучайтирган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон моддий-маданий мероси, шу жумладан, ўлканинг қадимий шаҳарларида жойлашган бой меъморий меросни ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Мазкур ўлкашунослик ҳаракатларида марказий ҳокимият томонидан жалб этилган олимлар билан бир қаторда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иштирок этишган. Уларнинг ичида тошкентлик савдогар Акром Асқаров ва самарқандлик Мирзо Бухорий Туркистоннинг асосий маданий марказларида жойлашган тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганишда қатнашишган. Хусусан, улар ўлкани ўрганиш учун Петербургдан юборилган Н.И. Веселовскийга Туркистон моддий-маданий бойликлари тарихига оид мақолаларни тайёрлашда ва Тошкентда ташкил этилган дастлабки музей фондларини жамлашда катта ёрдам беришган. Туркистон маданий бойликлари, хусусан, Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганишда катта ҳисса қўшган самарқандлик Абу Саид Махсум ўз ватани тарихи билимдони бўлиб, вақф ҳужжатлари асосида